



«РУС ТИЛИ—СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ ВА ҲАМКОРЛИГИ ТИЛИ» II БУТУНИТТИФОҚ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ИШ БОШЛАДИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИКА БОШЛАГАН

№ 115 (17.397)

22 май 1979 йил, сешанба

Баҳоси 2 тийин.

БУГУН ТОШКЕНТДА «РУС ТИЛИ—СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ ВА ҲАМКОРЛИГИ ТИЛИ» II БУТУНИТТИФОҚ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ИШ БОШЛАДИ

БУЮК ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТИЛИ

Инсон бисотида шундай сўзлар бўладики, улар ҳар бир инанишга нафасдан азиз бўлиб, «она», «Ватан», «коммунизм», «ассалому алайкум» сўзлари каби бамисоли она сўти билан кирган, жон-дилига нонига сингиб кетган. Улар рус халқи, улу рус тили иборалари ҳам маъна шу энг мўътабар, азиз ва муқаддас сўзлар каби ҳар биримизнинг кундалик ҳаётимизга, оғинишга сингиб кетган. Биз, совет кишилари рус халқини улуғларини, бу халқ мамлакатимиздаги бошқа миллатларга нисбатан кўпчилигини ташкил этганлиги учунгина эмас, балки унга бўлган битмас-туғмас меҳр-муҳаббатимиз тўғрисида бу халқнинг маҳонат аҳли бахт-саодати йўлида қилган беқиёс хизматлари учун ҳам улуғларимиз.

Бугунги кунда рус тили СССРдаги барча халқларнинг оғи ва энг содиқ дўсти бўлган улу рус халқининг тили бўлган учун, буюк йўлбошимиз Владимир Ильич Ленин, у ератган ўлмас таълимот — ленинизм тили бўлганлиги учун бутун жаҳонда эътиборли ва ардоқлидир. Дунёда биринчи социалистик революция тили, барча халқларнинг осодлиги ва мустанқиллиги учун кураш тили, гуманизм ва интернационализм, халқлар дўстлиги ва қардошлиги тили бўлган рус тили миллатлар, аро муомала ва ҳамкорликнинг, ишларнинг мамлакатимиздаги барча халқларнинг илмий ва маданий ютуқларидан, жаҳон фани ва маданиятига баҳраманд қилишнинг жуда муҳим воситаси бўлиб хизмат қилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев таъинлаганидан, «рус тили мамлакатимизнинг жаҳон маданияти хазинасига ҳисса қўйишига ёрдам бермоқда, шу билан бирга совет кишилари билан бошқа мамлакатларнинг халқларига жаҳон маданиятининг маънавий бойликларида баҳраманд бўлишларида йўл очиб бермоқда». Ҳақиқатан ҳам улу рус тили тинчлик ва дўстликнинг ҳақиқий рамзига айланди.

Маҳон миқёсда ана шундай зўр обрў-эътибор ва эътирофга эришган бўлган рус тилининг совет кишилари зўр иштиёқ билан, мароқ билан ўрганишмоқда. Бу тилини билмиш СССРдаги барча граждонларнинг зарур эҳтиёжига айланган. Мамлакатимиз аҳолисининг тўртдан уч қисмидан кўпроги рус тилида бемалол сўзлаш олиши, бу тилини ўсиш ва юксалишининг асосий манбаи деб билиш ана шундандир. Рус тилини билмиш барча миллатларга мансуб совет кишиларига бир-бирлари билан бемалол, таржимон ва луғатсиз гаплашиш, билим ва тажрибасини ўзаро баҳам қўриш, Ватан ва жаҳон фани, техникаси, маданияти ютуқларини ўзлаштириш имконини беради. Бунинг қардош халқлар оиласида гуллаб-яшнаётган республикамизда мисоллари ҳам йўқол қўриш мумкин. Улу Октябрь революциясига қадар ҳам халқимизнинг илгор фикрли кишилари рус тилининг, рус маданиятининг халқимиз ҳаётида буюк роль ўйнашини чуқур тушуниб, бу тилини ўрганишга зўр эҳтирос билан даъват этган эдилар. Фурқат, Муҳимий, Сатторов, Исҳоқов, ва ўтган асрнинг бошқа илгор кишилари, маърифатпарварлари эркинлик, социал тартиқнинг рус тили етказди деб таъкидлаган эдилар. Уларнинг келажикда чуқур ишонч билан айтган сўзлари бизнинг кўнглимизда реал воқелик бўлиб турибди. Рус тили ва халқи билан ошно бўлиш қарорининг ченга ўлиши «халқларнинг капитализм азоб-қусатларини четлаб ўтиб, феодализм ботқоқидан социализм осмонига олиб чиқди». Бу халқлар Улу Октябрь шарофати йил жаҳондаги энг маърифатпарвар ва илгор, интиқимий тараққиётнинг етакчи халқларига айланди. Рус халқи ва тилининг шарофати билан асрлар бўйи маҳолат пешволарининг исқонқасида яшириниб ётган халқнинг истеъдод бўлоқлари кўзи очилди.

Рус халқи ва тили ўзбекининг ҳам ўзалигини билдирди, индустриалаштириш, коллективлаштириш, халқ ҳўжалигини социализм негизда қайта қуришда бебаҳо ёрдам кўрсатди, социализм ўзбекистоннинг гул-гул яшашига жонбозлиқ қилди. Мирзачўл, Марказий Фарғона, Сурхон-Шеробод, Қарши, Жиззах чўлларики Совет Иттифокнинг барча қардош халқлари ўзлаштириб, коммунизмга хизмат қилдиришмоқда. Пойтахтимизда дахшати зилзила заминини ларзага солганда Тошкент бамисоли Бутуниттифок курилиш майдонига айланиб кетди. Уша кунларга бутун мамлакат Тошкентга қардошлик маданий бери. Москва, Ленинград, барча иттифок республикаларининг азаматлари бул ҳаёолигимизда монанд дўстлик монументи кўрдилар — лғи Тошкентни бунёд этдилар. Уша кунлари бутун мамлакат, барча миллат ва элатлар худди Тошкентга кўнб келгайдай эди. Худди улу рус тили уларни ягона оилга бирлаштирди.

Барча қардош республикаларда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам рус тилига низиқиш кун сайин ошмоқда. Бунинг хисобга олган республика партия ва ҳукумати рус тилини ўқитиш ва ўрганишни янага яхшилаш юзасидан қатор тadbирларни амалга оширмоқдалар, Рус тилини ўрганиш, ўқитишни яхшилаш масалалари бир қанча конференцияларда атрофича кўриб чиқилди. 1956 ва 1962 йиллардаги Тошкентда рус тилини ўқитишни янада такомиллаштиришга бағишланган республикалараро илмий-амалий конференциялар ўтказилган эди. Бундан тўрт йил муқаддам рус тилини ўқитишни яхшилаш масаласи Тошкентда бўлиб ўтган I Бутуниттифок конференциясининг асосий мавзуси бўлди. Шу асосда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети «Республика мактабларида, олий ва ўрта махсус ўқув юрталарида рус тилини ўқитиш ва ўрганишни янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида» махсус қарор қабул қилди. Ушбу қарорнинг муваффақиятини амалга оширилиши тўғрисида ҳозир вақтда мактабларимизда ёш аялдога таълим бераётган 22 минг рус тили ўқитувчиларининг мутлақ кўпчилиги, олий маъзулотида эга бўлган оқори малакали мутахассислардир. Бундан 15 йил муқаддам таълими этилган рус тили ва адабиёти институти ўтган вақт ичиде 6,5 мингта малакали ўқитувчи тайёрлаб берди. РСФСР ва Украина педагогика олий ўқув юрталари Ўзбекистон мактабларига рус тили ўқитувчилари тайёрлаб беришда ҳақиқий қардошлик ерданини кўрсатмоқдалар.

Бугун «Рус тили — СССР халқлари дўстлиги ва ҳамкорлиги тили» мавзусига бағишлаб Тошкентда очилган Бутуниттифок илмий-назарий конференцияси мамлакатимизда, хусусан республикамизда улу дўст тили — рус тилини ўқитиш ва ўрганишни янада такомиллаштириш йўлида муҳим босқич бўлиб қолиши шан-шубҳасиздир.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Ўзбекистонда қурилиш соҳасида кўп йил, самарали ишлаганини учун ва ўтган кунга элики йил тўғрисида муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ишлар мудирлиги қурилиш гуруппасининг мудир Владимир Николаевич Бубновга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинкор» фахрий унвони берди.



«Рус тили — СССР халқлари дўстлиги ва ҳамкорлиги тили» мавзусидаги Бутуниттифок илмий-назарий конференцияси қатнашчиларидан бир гуруппаси. А. Тўраев фотоси.

ҚАРДОШЛИК НАМУНАСИ

Мухари УМАРОВ, Чечен-Ингуш АССР маориф министри, педагогика фанлари к.а.д.и

— Салкам олтинмиш икки йилдирки, Советлар дйери Ойдобри байроғи остида голибона йўл босмоқда. Бу йўлда мамлакатимиздаги барча халқларнинг дўстлик ва қардошлиги бир неча бор синовдан ўтди ва ўзининг беэмис фазилатларини намойиш этди.

Миллий маданиятларнинг ўзаро бир-бирини бойитишида иккинчи она тилимизга айланган улу рус тили тобора катта аҳамият касб этаётди. Жумладан, бизнинг автоном республикамизда дохий Ленин тилини ўрганиш ва ўзлаштириш Кавказ региониде бошқаларга иборат бўладиган даражада йўлга қўйилган. 260 мингдан зиёд билимга чанқок чечен ва ингуш фазонларидан фан асосларини, аниқсика, аниқ фанлар асосларини мактаб партависидеб чуқур ўрганиш улу дасарларини рус тилида олиб бориш таъминбас кенг қўлланмоқда. Коммунизм ёш бўлибдоғларини марксизм-ленинизм қолларига содиқ, отаини етатишлар ва интернационалист қилиб тарбиялашда улу оғаниш тили бундан буён ҳам биз учун

БИЗНИНГ СУҲБАТ

Алексей Васильевич ТЕКУЧЕВ, В. И. Ленин номидаги Москва Давлат педагогика институтининг нафада мудир, СССР Педагогика фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоси, профессор

— Институтимизнинг ниҳоятда бой тарихи борки, бу тарих Россияда олий педагогика тилини тарихи, Советлар давлатининг оммавий педагог қадрлар тайёрлаш тарихи, совет педагогика фани таракқийоти билан чамбарчас боғлиқ. Унинг ақоиб аъзаанларига кейинги йилларда яна бир аъза қўшилди. Бу ерда миллий мактаблар учун ўша миллат ақилларидан рус тили ва адабиёти ўқитувчилари тайёрланмоқда.

Институтимизда рус тили ва адабиёти факультети қанда 1967 йилдан бери ўзбек бўлими мавжуд. Ўтган аяк мобайнида Ўзбекистон учун 270 нафарга кичин малакали рус тили ва адабиёти ўқитувчилари тайёрлаб берилди. Шу йилдан мобайнида бу борада муайян таъриба тулланди. Ўзбекистонлик йигит-қизлар рус тили ва адабиётининг эмас, ун ўқитиш методикасини ҳам, рус халқининг кўп эсрлик маданияти асосларини ҳам муқаммал эгаллаш учун бизда яхши шароит яратилган.

Ўзбекистон учун педагоглар тайёрлашда Тошкентдаги рус

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР

Алексей Васильевич ТЕКУЧЕВ, В. И. Ленин номидаги Москва Давлат педагогика институтининг нафада мудир, СССР Педагогика фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоси, профессор

— Институтимизнинг ниҳоятда бой тарихи борки, бу тарих Россияда олий педагогика тилини тарихи, Советлар давлатининг оммавий педагог қадрлар тайёрлаш тарихи, совет педагогика фани таракқийоти билан чамбарчас боғлиқ. Унинг ақоиб аъзаанларига кейинги йилларда яна бир аъза қўшилди. Бу ерда миллий мактаблар учун ўша миллат ақилларидан рус тили ва адабиёти ўқитувчилари тайёрланмоқда.

Институтимизда рус тили ва адабиёти факультети қанда 1967 йилдан бери ўзбек бўлими мавжуд. Ўтган аяк мобайнида Ўзбекистон учун 270 нафарга кичин малакали рус тили ва адабиёти ўқитувчилари тайёрлаб берилди. Шу йилдан мобайнида бу борада муайян таъриба тулланди. Ўзбекистонлик йигит-қизлар рус тили ва адабиётининг эмас, ун ўқитиш методикасини ҳам, рус халқининг кўп эсрлик маданияти асосларини ҳам муқаммал эгаллаш учун бизда яхши шароит яратилган.

Ўзбекистон учун педагоглар тайёрлашда Тошкентдаги рус

ТОШКЕНТ МЕҲМОНЛАРИНИ КУТИБ ОЛМОҚДА

Ўзбекистон пойтахти бу ерда 22 май кунини очиладиган «Рус тили — СССР халқлари дўстлиги ва ҳамкорлиги тили» мавзусидаги Бутуниттифок илмий-назарий конференцияси қатнашчиларини шодона кўтиб-сэди. Мамлакатимизнинг танили олмишлари, мактаблар ва олий ўқув юрталарининг ўқитувчилари, халқ маорифи, олий ва ўрта махсус таълим ташкилотчилари, партия, совет, комсомол тодилари мана шу нуфузли анжуманда иштирок этиш учун Тошкентга келдилар.

21 май кунин меҳмонлар Тошкентнинг диққатга сазовор меҳмонлар билан танишдилар, театрларда, Халқаро болалар йилга бағишланган республика қўшиқ байрамнинг аяқлов концертида бўлдилар.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг Тошкент шаҳар Комитети ташкилоти номига йўлланган табриқномаси ўқиб эшитирилди. Ийгилишда Тошкент шаҳар комсомол комитетининг биринчи секретари Ш. Т. Нусраев докладе қилди. Комсомол ветеранлари ва шаҳар комсомол ташкилоти хозирги аялдоининг намоёндалари Тошкент комсомолнинг олтинмиш йил мобайнидаги қадрамонона ишлари тўғрисида, комсомоллар КПСС XXV съезди ва ВЛКСМ XVIII съезди қарорларини қандай амалга оширадиганлиги ҳақида гапириб бердилар. (ЎЗАТА).

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНИ

21 май кунин Тошкентдаги «Юбилей» спорт саройи залда болаларнинг қуёқ ва шўх овозлари жаранглаб турди — бу ерда Халқаро болалар йилга бағишланган республика қўшиқ байрамнинг аяқлов концерти бўлди. Қўшиқ байрам «Биз жондон партияни шарафлаймиз, биз ўз Ватанимизни шарафлаймиз» шiori остида ўтказилди. (ЎЗАТА).

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНИ

21 май кунин Тошкентдаги «Юбилей» спорт саройи залда болаларнинг қуёқ ва шўх овозлари жаранглаб турди — бу ерда Халқаро болалар йилга бағишланган республика қўшиқ байрамнинг аяқлов концерти бўлди. Қўшиқ байрам «Биз жондон партияни шарафлаймиз, биз ўз Ватанимизни шарафлаймиз» шiori остида ўтказилди. (ЎЗАТА).

ЎРТОҚ И. БРОЗ ТИТО БАТАНИГА ЖўНАБ КЕТДИ

Югославия Социалистик Федератив Республикасининг Президенти, Югославия Коммунистлар союзи Раиси Йосип Броз Тито 21 май кунин Ватанига жўнаб кетди. У КПСС Марказий Комитети ва СССР Олий Совети Президиумининг таълифига бинаан дўстона вэнт билан ва қисқа муқаддаси дам оли — учун СССРга келган эди. ЮКС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси С. Долани, ЮСФР таълиф ишлари иттифок секретари Н. Врховец ва бошқа расмий кишилар — И. Броз Тито билан бирга жўнаб кетдилар.

СССР ва ЮСФР давлат байроқлари билан безатилган Вилуково аэродромда И. Броз Титонинг КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев билан ЮСФР Президенти, ЮКС Раиси И. Броз Тито ўртасида бўлиб ўтган учрашув аяқларини кенг шарҳламоқда.

ҲАМЖИҲАТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК МАНФААТЛАРИ ЙўЛИДА

БЕЛГРАД. (ТАСС). Югославия матбуоти ва бошқа оммавий ахборот воситалари КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев билан ЮСФР Президенти, ЮКС Раиси И. Броз Тито ўртасида бўлиб ўтган учрашув аяқларини кенг шарҳламоқда.

ЮКС органи — «Коммунист» ҳафталиги ўз шарҳида кундагиликни таъкидлади. И. Броз Титонинг СССРга қилган вэити ҳам бундан илгари бўлиб ўтган олий даражадаги Югославия — Совет учрашувлари сингари, дўстона муносабатларни янада ривожлантириш учун, иккала мамлакат ўртасида ҳамжиҳатлик ва ҳар икки томон учун фойдали ҳамкорликни мустақамлаш учун, шубҳасиз, катта аҳамиятга эга бўлади. Биз ҳатто И. Броз Тито билан Л. И. Брежневнинг музокаралари кенг халқаро аҳамиятга эга эканлигига, иккала социалистик мамлакатнинг тинчлик ва тенг ҳуқуқли халқларо ҳамкорлигини мустақамлаш ишга бевосита қўшган ҳиссаси эканлигига ҳам аминимиз, деб ёзади ҳафтанома.

«Коммунист» ҳафтаномаси Югославия раҳбарининг вэити Югославия — Совет ҳамкорлиги барча соҳаларда ривожланган даражада бўлиб кетди, деб ёзади. ЮСФР билан СССР ўртасида, ЮКС билан КПСС ўртасида муносабатлар ўзаро келишиб олинган негизга, ҳар иккала мамлакатнинг ва партияларнинг мавжид ва сисётидаги муштарак масалалар ва хусусиятларни ҳурмат қилишга, ҳар икки томонни қизиқтирувчи барча масалалар юзасидан мустақиллик, тенг ҳуқуқлилик, аравашмаслик, ҳамкорлик ва учрашиб турши принципларига асосланди. Ҳар иккала мамлакат раҳбарларининг учрашувлари ва музокаралари Югославия — Совет муносабатларини ривожлантиришда ҳамда янги имкониятлар яратиб беради.

«Борба» ва «Политика» газеталари «Ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштиришга таъйирилик», «Ҳар иккала мамлакат тинчлик учун, кескинлигини юмшатиш, халқлар мустанқиллиги ва яхши муносабатларни яратишга қўшган ҳиссаси, деб ёзади «Борба» газетаси, президентимизнинг вэитига катта аҳамият бермоқда.

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

САМАРҚАНД. 21 май. (ЎЗАТА). Самарқанд область партия комитетининг пленуми бўлди. Пленумда меҳнатқашларнинг халқари билан ишлаш янада такомиллаштириш ва область партия, совет, ҳўжалик ва жамоат ташкилотларида граждонларни қабул қилишни яхшилаш масалалари муҳокама қилинди.

ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Шаҳар партия комитетининг 21 май кунин Тошкентда бўлиб ўтган пленумида шаҳар партия ташкилотининг КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль ва ноябрь Пленумларининг, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XI пленумининг қарорчилигини янада ривожлантириш юзасидан қабул қилган қарорларини келиб чиқадиган вазифалари муҳокама қилинди.

Я Н Г И ХўЖАЛИК

Қарши даштида, Толимаржон суи олбори якинда «Ширнобод» янги иктисослашган бодорчилик-узумчилик совхоз ташкил қилинди. Совхоз яхйиёнда 200 гектар бoғ ва 150 гектар тоқзор бор. Келгусида хўжалик бoғ ва тоқзорларини иккинчи минг гектарга етказиш, бу ерда агрохазина ва хўрхазина қуриш учун қарийб ўтти миллион сўм пўл ажратилди.

Эндиликда «Ўзлордошчи-винпром» системасида 170 га иктисослашган совхоз бор. Бу аграр-саноат бирлашмаси ташкил этилган 1975 йилдаги нисбатан 65 совхоз қўлдир. Ана шу хўжаликлар яхтирида юз минг гектардан зиёд сугарилган ерлар бор. Бу йил аёш майдонлардан миллион тонна мева, узум, сабзавот, картошка, полиз махсусотлари ва бошқа қишлоқ хўжалик махсусотларини олиш мўйлазмида. Бу ерда ана шу махсусотларни етиштириш ҳамма ўтган йилдагига нисбатан иккинчи юз минг тонна қўйлади. (ЎЗАТА).

КАЛБ ДАЪВАТИ

Пахтакорлар нуқулди об-
ҳаво вужудга келтирилган ки-
йимчиликларни биринчи мар-
та бартараф этаётганларини
йўқ. Улар ўзларининг маҳор-
ратлари ва ишбилармонлик-
лари билан нихолларини
асраб қолдилар. Қолхозчи-
лар дектар бошига 35 цент
нердан пахта олиш мажбу-
рийятин қабул қилганлар.

(Ғ. ТА. Г.)

«ҚШ сионист донорлари делегациясини қабул қилиб, Исроилнинг қўйган ҳаз биш қадамни Миср икки қадам билан жавоб беради» деб айтди. Бошқача қилиб айтганда Саадат ўз мамлакатининг суверенитетини сотиб қўйиб, энди ўзинга сира алоҳиас бўлмаган Фаластин қалқининг миллий ҳуқуқларини ҳам сотишни мўжжаллашқода.

(ТАСС).

